XALQ DEPUTATLARI
JIZZAX VILOYAT
ZOMIN TUMANI
KENGASHI
Q A R O R I

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КЕНГАША
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ
ЗААМИНСКОГО РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ

IND: 130800. Zomin shaharchasi
Mustaqillik ko'chasi 31-uy.
Tel: 8-372-392-11-59
8-372-392-12-12
ИНД:130800. п.Заамин
улица Мустакиллик, 31-дом

2019 yil «02_» _10_____ № _____49/3_____ Zomin shaharchasi.

Тумандаги "Катта боғ" маҳалла фуқаролар йиғини номини "Қайирма" номи билан қайта номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон 448-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги 295-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон 483-модда) ижросини таъминлаш, шунингдек географик объектларни номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тумандаги "Катта боғ" маҳалла фуқаролар йиғини номини "Қайирма" номи билан қайта номлаш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинининг аризасига асосан билдирилган таклифлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман статистика бўлими (Қ.Келдибеков), Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Шодмонбеков), Туман давлат архитектура ва қурилиш бўлими (Б.Юлдошев) ҳамда тегишли мутасадди давлат органларига амалдаги тартибда янги ном берилган маҳалла фуқаролар йиғинининг таркибий қисмларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

3. Туман ички ишлар бўлими (Ф.Тўйчиев) янги ном берилган маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

4. География объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссиясига янги ном берилган маҳалла фуқаролар йиғинининг таркибий қисмларига унинг номлари ёзилган кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳаларни босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

5. Туман "Шарқ тонги" газетаси (Ў.Бердибеков)га ушбу қарор газета саҳифасида ёритилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссияси (И.Тўпчиева) зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман Кенгаши раиси,
туман ҳокими **А.Абдуғаниев**

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2019 йил "02" 10 даги
493-сонли қарорига
ИЛОВА

№	География объектнинг амалдаги номи (қачон қарор қабул қилинган)	Объект тури ва жойлашиши	География объектнинг янги номи
Аҳоли пунктлари таркибий қисмлари номлари (маҳаллалар)			
2	Катта боғ МФЙ	Маҳалла, Зомин тумани	Қайирма МФЙ

Масъул котиб **Ғ.Сайдуллаев**

Туман статистика бўлими бошлиғи **Қ.Келдибеков**

Туман "Ермулккдастр" хизмати **Д.Шодмонбеков**